АКАДЕМИЯ НАУК УзССР

# МУЗЕЙ ИСТОРИИ НАРОДОВ УЗБЕКИСТАНА ИМЕНИ М. Т. АЙБЕКА

## ПО ЗАЛАМ МУЗЕЯ

ИЗДАТЕЛЬСТВО «УЗБЕКИСТАН»

Ташкент — 1971

ЎЗССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

# М. Т. ОЙБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚЛАРИ ТАРИХИ МУЗЕЙИ

## МУЗЕЙ ЗАЛЛАРИДА

Ч 9(С52)
С 75
Ю 5254
39

1972 ГБ УзССР
А 8115

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ
ТОШКЕНТ — 1971

С 75

Составители:

Нафиса Садыковна САДЫКОВА
и Александра Матвеевна РЕВЕС

**Содиқова Н. С. ва Ревес А. М.**
М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи. Музей залларида. Т., «Ўзбекистон», 1971.
143 бет, расм. (ЎзССР ФА.). Тиражи
Муқова ва текст паралл. ўзб. ва рус тилларида.

1. Соавт.
**Садыкова Н. С. и Ревес А. М.** Музей истории народов Узбекистана им. М. Т. Айбека. По залам музея.

9 (С 52)

1-6-1
1971

М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейи Туркистоннинг машҳур олимлари ва жамоат арбобларининг ҳаракати билан 1876 йилда ташкил этилган.

Музейнинг очилиши ва унинг фаолияти ўлканинг маданий ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлган прогрессив воқеа бўлди. Музей экспонатлари халқаро виставкаларда намойиш қилинди, унда тузилган каталоглар эса, ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотган эмас.

Улуғ Октябрь революциясидан кейин бу музей ҳақиқий илмий ва маданий-оқартув муассасаси бўлиб қолди.

Музей коллективи Ўзбекистон халқларининг қадим замонлардан буёнги тарихини ўрганиш юзасидан илмий-текшириш ишлари олиб боради. Музей фонди республиканинг ҳамма областларига юбориб туриладиган археология, этнография экспедицияларининг материаллари билан доимий равишда бойитилмоқда. Музейда 40 мингдан ортиқ археологик экспонатлар, 44 минг қадимги пул-чақа нусхалари, 10 мингдан ортиқ этнографик буюмлар, 2 мингдан ортиқ ноёб ёдгорлик буюмлари бор. Музей фондидаги материаллар орасида қўшни республикалар — Туркманистон, Тожикистон ва Қирғизистонга тааллуқли маълумотлар ҳам кўп.

Музейда асосан материалларнинг асл нусхалари, шунингдек макетлар, бадиий ва график тасвирлар, схемалар диаграммалар, расмлар кўрсатилади. Экспонатлар орасида ноёб нарсалар кўп. Совет даври хронологик равишда 1965 йилгача кўрсатилади.

Музей 1967 йилда XIX асрнинг архитектура ёдгорликларидан бири ҳисобланган бинога кўчди. Бу бинода 1919 йилда В. И. Ленин ташаббуси билан тузилган Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия) ишлаган эди. Бинода 45 та зал бўлиб, уларга 7 мингдан ортиқ экспонат жойлаштирилган.

Бу китобча китобхонлар оммасини музей экспозициясида бўлган моддий маданият ёдгорликлари билан таништиришни кўзда тутади.

Китобчадаги материалларни тарих фанлари кандидати *Н. С. Содиқова* ҳамда *А. М. Ревес* тайёрладилар. Расмларни *И. П. Шмуклер* ишлаган.

Музей истории народов Узбекистана имени М. Т. Айбека создан в 1876 году усилиями известных ученых и общественных деятелей Туркестана.

Деятельность музея имела прогрессивное значение в культурной жизни края. Его экспонаты вывозились на международные выставки, а созданные каталоги сохранили свою значимость до настоящего времени.

После Октябрьской революции музей превратился в подлинно научное и культурно-просветительное учреждение.

Коллектив музея ведет научно-исследовательскую работу по изучению истории культуры народов Узбекистана, начиная с далекого прошлого. Фонды музея систематически пополняются новыми материалами археологических, этнографических экспедиций, которые организуются во всех областях нашей республики. Музей насчитывает более 40 тысяч археологических экспонатов, 44 тысячи нумизматических, свыше 10 тысяч этнографических предметов и свыше 2 тысяч вещественных реликвий. Среди фондовых материалов хранятся и такие, которые содержат сведения, относящиеся к соседним республикам — Туркмении, Таджикистану и Киргизии, входивших в разное время в состав Туркестанского края.

В музее экспонируются, главным образом, подлинные вещественные материалы, а также макеты, плоскостные, художественные и графические изображения, схемы, диаграммы, картины. Среди экспонатов немало уникальных. Экспозиция советского периода хронологически заканчивается 1965 годом.

С 1967 года музей работает в здании, где в 1919 году размещалась Комиссия ВЦИК и СНК РСФСР по делам Туркестана (Турккомиссия), организованная по инициативе В. И. Ленина. В этом здании, которое само является архитектурным памятником XIX века, имеется 45 залов, где выставлено более 7 тысяч экспонатов.

Данное издание имеет целью ознакомить широкий круг читателей с некоторыми памятниками материальной культуры, находящимися в экспозиции музея. Материалы подготовили кандидат исторических наук *Н. С. Садыкова* и *А. М. Ревес*. Фотографии изготовлены *И. П. Шмуклером*.

# I

# ИБТИДОИЙ ЖАМОА ВА ҚУЛДОРЛИК ТУЗУМИ

# ЭПОХА ПЕРВОБЫТНО-ОБЩИННОГО И РАБОВЛАДЕЛЬЧЕСКОГО СТРОЯ



Тупроққалъа. (Реконструкция).

Замок Топрак-кала. (Реконструкция).

Ибтидоий одамлар чайлаларда, ғорларда яшаганлар. 1938 йилда (Сурхондарё области) Бойсунтов Тешик тош ғорида қадимий тош даврида (мустье даври) одам яшаганлиги аниқланди. Ғорнинг ичи кенг, баландлиги 21 метрча келади. Ғор ичида гулхан излари, тошдан ясалган меҳнат қуроллари, ёввойи қуш ва ҳайвонлар — айиқ, кийик, тоғ такасининг суяклари топилдики, бу ҳол Тешик тошда яшаган одамлар овчилик билан кун кечирганликларига далил бўла олади.

Первыми жилищами первобытных людей были навесы, пещеры-гроты. В 1938 г. в горах Байсун-тау Сурхандарьинской области было открыто жилище человека мустьерской эпохи древнекаменного века — грот Тешик-таш. Пещера имеет вид широкой овальной ниши высотой и глубиной до 21 м. Внутри ее обнаружены остатки костра, а вокруг каменные орудия труда, кости диких птиц и животных — медведя, оленя, горного козла, которые были основной пищей охотников из Тешик-таша.



Тешиктош ғори. (Макет).

Грот Тешик-таш. (Макет).

Тешик тош горидаги чуқурда 8—9 яшар боланинг скелети топилди. Қабр атрофида тоғ такасининг шохлари бор эди. Антрополог — ҳайкалтарош М. М. Герасимов боланинг ҳайкалини ясади. Боланинг бош суяги жуда сиқиқ, пешонаси яйдоқ, паст, қош-қовоғи осилиб туради. Чайнаш мускуллари бакувват. Ияги текис. Бош суягининг холати ва букчайган қомати бу вақт одамининг ҳали қаддини ростлаб юришга одатланмаганидан далолат беради. У ўз қиёфаси билан Европада яшаган неандерталь типдаги одамларга жуда ўхшайди.

Қадимги одамларнинг тирикчилиги асосан овчилик ва йиғувчилик бўлган. Улар тоғ такаси, ёввойи от, айиқ, қоплонларни ов қилишган. Ов кўп одам иштирокини талаб қилганидан ибтидоий одамларни жипслаштирган. Жон талашган йиртқич билан олишувда кўпинча одамлар ҳалок бўлардилар. Ов бароридан келса баҳам кўришар, ортиғини олиб қўйишарди. Аёллар йиғувчилик — мева-чева териш, илдиз кавлаш билан шуғулланар, меҳнат қуроллари тайёрлашарди.

В пещере Тешик-таш в неглубокой яме покоился скелет мальчика 8—9 лет. Вокруг захоронения лежали рога горного козла. Скульптор-антрополог М. М. Герасимов восстановил его облик. Он имел сплющенный череп со скошенным лбом и нависшими бровями. Жевательные мышцы были сильно развиты, подбородок почти отсутствовал. Положение головы и сутулость свидетельствуют о том, что человек еще не вполне приспособился к вертикальной походке. По облику он очень похож на человека неандертальского типа, обитавшего в Европе.

Основными видами занятий древнего человека были охота и собирательство. Охотились на горного козла, дикую лошадь, медведя, леопарда. Охота, которая была возможна только при участии большого коллектива, максимально сплачивала первобытных людей. Нередко человек погибал в неравной схватке с разъяренным животным. В случае удачной охоты пища делилась поровну, создавались ее запасы. Женщины занимались собирательством. Палками они сбивали плоды, выкапывали корни, изготовляли орудия труда.

Неандерталь бола ҳайкали (*М. М. Герасимов* реконструкцияси).

Бюст мальчика-неандертальца. (По реконструкции *М. М. Герасимова*).



Ибтидоий одам — синантроп овда. Эрамиздан 600—400 минг йиллар илгари. (Макет).

Охота первобытного человека-синантропа; 600—400 тыс. лет до н. э. (Макет).



Эрамиздан олдинги VI асрда Ўрта Осиёга форслар ҳужум қилганлар. Эрамиздан олдинги 529 йилда босқинчилар массагетлар томонидан тор-мор қилинади, подшоҳлари Кир эса ўлдирилади. Афсонада талқин қилинишича массагетлар маликаси Томарис Кирнинг бошини қон тўлдирилган мешга ташлатар экан: «Юртимизга қон ичгани келдинг. Мана энди тўйиб-тўйиб қон ичгин» деган эмиш.

Эрамиздан олдинги 521 йилда подшоҳ Доро бошчилигида форс галалари бостириб келади. Широқ деган чўпон йўл кўрсатаман деб, уларни жазирама чўлу биёбонда адаштиради. Тилка-пора қилинаётган Широқ: «Мен ғалаба қилдим, халқимни ҳалокатдан қутқардим», деб мардона хитоб қилади.

Ўрта Осиёда ҳукмрон бўлган зароастрийлар урф-одатига кўра ўлган одамнинг жасадини тоққа олиб чиқиб «Сукунат минораси» деган жойга қўйилар экан. Қушлар жасаднинг этини чўқиб еб, суягини тозалаб қўйишар экан. Шу суяклар дафн яшиги — оссуарийга солиб кўмилар экан. Оссуарийлар қушлар, ҳайвонлар, одамлар расми чизилиб безатилган бўлар экан.

В VI веке до н. э. Средняя Азия подвергается набегам персов. В 529 г. до н. э. завоеватели были разбиты массагетами, а их царь Кир убит. Легенды рассказывают, что царица массагетов Томирис приказала бросить отрубленную голову Кира в бурдюк с кровью, сказав: «Ты пришел в нашу страну, чтобы напиться крови. Я тебя, как поклялась, насытила ею».

В 521 г. до н. э. вторгаются персы во главе с царем Дарием. Простой сакский пастух Ширак под видом проводника заманил их в знойную пустыню. «Я выиграл победу, спас мой народ»,— гордо заявил персам Ширак перед смертью.

По обрядам господствовавшей в Средней Азии зороастрийской религии, умершего выносили в горы на специальные «Башни молчания», где птицы склевывали ткани. Очищенные таким образом кости складывали в погребальные ящички — оссуарии. Оссуарии украшались изображениями птиц, зверей или фигурами людей.



«Малика Томарис қасос олмоқда» *(Т. Содиқов* чизган расм).

Месть царицы Томирис. (Картина худ. *Т. Садыкова).*



Ўтирган аёл тасвир этилган оссуарий. (Қўйқирилган қалъа).

Оссуарий с изображением сидящей женщины. (Кой-Крылган-Кала).



1972 ГБ УзССР А 8115

Эрамиздан олдинги 329 йилда Искандар Зулқарнайн қўшинлари Ўрта Осиёга бостириб кирган. Халқ босқинчиларга карши курашга бош кўтарган.

Рассом М. Набиев чизган расмда Спитамен чавандозларининг Мароқанд (Самарқанд) атрофида македонияликлар отрядига ҳужуми тасвирланган.

В 329 г. до н. э. в Среднюю Азию вторглись войска Александра Македонского. На борьбу против них поднялись народные массы.

На картине худ. М. Набиева изображен налет легкой конницы Спитамена на отряд македонцев под Маракандой (ныне Самарканд).



«Спитамен қўзғолони» (*М. Набиев* чизган расм)

Восстание Спитамена. (Картина худ. *М. Набиева*).

Қулдорлик даврида савдо-сотиқ ишлари ривож топади. Искандар Зулқарнайн ҳукмронлиги замонига, юнон-бақтрия ва Кушан подшолиги даврига оид танга пулларга шоҳлар, тангрилар бошларининг тасвири, ҳукмдорларни мадҳ этувчи ёзувлар зарб этилган экан. Бу танга-пулларнинг топилиши қулдорлик давлатлари билан савдо-сотиқ ривожланганидан дарак беради.

Заргарлик буюмлари, кумуш зеб-зийнатлар зодагон жангчиларнинг отларига безак бўларди. Уларда юнон-бактрия зодагонларининг жанговар ҳаётидан манзаралар чизилган.

В эпоху рабовладения расширяются торговые связи. На монетах, относящихся ко времени господства Александра Македонского, к эпохе существования Греко-бактрийского и Кушанского царств, изображались головы царей, божеств и надписи, восхваляющие правителей. Находки этих монет свидетельствуют о развитии торговых связей с рабовладельческими государствами.

Ювелирные изделия, серебряные фалары служили украшением боевых лошадей знатных воинов. На них запечатлены сцены из боевой жизни греко-бактрийской знати.



Фил сурати солинган кумуш қуюшқон қуббаси.

Серебряный фалар с изображением боевого слона.



Вакхнали кўриниши тасвирланган идиш. Термизда топилган.

Термезский сосуд с вакхической сценой.

1932 йилда Амударёда «Октябрёнок» катеридаги чегарачилар Айритомга яқин жойда оқ тош кўрганлар. Бу ноғорачи тасвири ўйиб солинган тош фриз экан. 1934 йилда ўша ерга профессор М. Е. Массон бошчилигида экспедиция юборилди. Шундай қилиб Амударёнинг қирғоғидаги Айритомда эрамизнинг I—II асрига оид Будда ибодатхонаси топилди. У оҳак тошдан ишланган ажойиб фриз билан безатилган эди. Фризда акант барглари орасига ишланган созандалар ва гулчамбарчилар тасвири кўзга ташланади. Бу Кушан замонидан қолган ноёб санъат ёдгорлигидир.

Тупроққалъа эрамизнинг III—IV асрларида Хоразм ҳукмронларининг пойтахти бўлган. Шаҳар тўғри тўртбурчак шаклида бўлиб, гир атрофи қалин қўрғон девор, бурчакларида квадрат мезаналар қад кўтарган экан. Қўрғон ичида иккала бетига иморат тушган кенг кўча бўлган. Шаҳарнинг шимол қисмидаги уч қаватли иморат — шоҳ саройи бўлиб, унинг заллари гўзал ҳайкаллар ва нақшлар билан безатилган. Ҳайкалларда Хоразмнинг илоҳийлаштирилган ҳукмронлари ва уларнинг гвардияси тасвирланган. «Қизил бош» — Тупроққалъа саройидан топилган ҳайкал ва ўша сарой деворидаги «Арфа чалувчи аёл» тасвири.

В 1932 г. пограничники катера «Октябренок» заметили в водах Аму-Дарьи вблизи урочища Айртам белый камень. Оказалось, что это каменный фриз с изображением барабанщика. В 1934 г. туда была направлена экспедиция во главе с профессором М. Е. Массоном. Ею и был открыт на правом берегу Аму-Дарьи в городище Айртам буддийский храм I—II вв. н. э., украшенный изумительным по красоте фризом из белого известняка. На нем среди акантовых листьев выделяются фигуры музыкантов и гирляндоносцев. Это выдающийся памятник искусства Кушанского периода.

Топрак-Кала — столица правителей Хорезма III—IV вв. н. э. Город прямоугольной формы с мощными крепостными стенами и выступающими квадратными башнями. Внутри — широкая улица с кварталами жилых домов. В северной части — трехэтажный замок правителя, залы которого были украшены прекрасными скульптурами и росписями.

Скульптуры изображают обожествленных правителей Хорезма и их гвардию. «Красная голова» — скульптура из дворца Топрак-Кала. «Арфистка» — настенная роспись того же дворца.



Айритом фризи.

Айртамский фриз.



Арфа чалувчи аёл. (Деворга ишланган расм)

Арфистка. (Стенная роспись).

Кушан даври сопол ишлаб чиқариш ривож топганлиги билан характерлидир. Ўша вақтларда нафис сопол буюмлар — қизил лак ва қизил бўёқ берилган сип-силлиқ қадаҳлар, косалар, хумчалар, кўзачалар ва бошқа идишлар ишланган.

Диний эътиқодлар билан боғлиқ бўлган терракота ҳайкалчалар — ҳосилдорлик маъбудаси Анахита, эркаклар ва чавандозлар тасвирланган ҳайкалчалар жуда ажойиблиги билан диққатни жалб этади.

Для Кушанского периода характерен расцвет керамического производства. В это время изготавливается тонкостенная керамика: кубки на высоких ножках, чаши, изящные кувшины, покрытые красным лаком или красным ангобом с зеркальным заглаживанием,— лощением поверхности сосуда. Очень интересны терракотовые фигурки, связанные с религиозными культами,— изображения богини плодородия Анахиты, мужских фигур и всадников.



Маъбуда Анахита ҳайкалчаси (Эрамиздан илгариги I аср; Сурхондарё областидан топилган).

Статуэтка богини Анахиты (I в. до н. э.; Сурхандарьинская область).

Қадимги аскарнинг уст-боши: бели сиқилган чакмон, кенг иштон, юмшоқ этик, чарм бошлиқдан иборат бўлган. Улар чап томонга қилич ва пичоқ, ўнг томонга ёй ва ўқдон таққанлар. Қўлларида узун найза бўлган.

Древние воины одевались следующим образом: одежда состояла из перехваченного в поясе кафтана, широких штанов и мягких сапог. Головной убор имел форму кожаного башлыка. Оружие носилось на поясе и располагалось: слева — меч и нож, справа — лук и колчан со стрелами. В руке — копье.



**Хоразм жангчисининг уст-боши**
**(Амударё ҳазинасидан топилган**
**тилла пластинка).**

**Одежда воина-хорезмийца.**
**(Золотая пластинка из Амударьин-**
**ского клада).**

# II

# ФЕОДАЛИЗМ ДАВРИ

○

# ЭПОХА ФЕОДАЛИЗМА



**Ишратхона.**

Ишрат-хана. (Макет).

Ўзбекистоннинг жанубидаги Болаликтепа V—VI асрга оид феодаллар қўрғони бўлиб, теварак-атрофига зовур қазилган экан. Қўрғоннинг ички ҳовлиси ёнма-ён қурилган иморатларни бирлаштирган. Заллардан бирининг деворига чиройлик расмлар солинган. Расмлардан бирида феодалларнинг зиёфати тасвирланади. Улар зарбоф кийимларга безаниб, супада ўтиришибди. Уларнинг орқасида хизматкорлар елпиғич билан елпимоқдалар.

Балалык-тепе — феодальный замок V—VI вв. на юге Узбекистана. Построен на высокой платформе, окруженной рвом. Внутренний дворик замка объединял ряд помещений. Стены одного из залов украшены красивой росписью. Одна из них изображает сцену пира феодалов-дехкан. В роскошных одеждах с массой украшений они торжественно восседают на суфах, а сзади движутся и стоят слуги с опахалами.



Болаликтепа (V—VI асрларга оид нақшинкор девор).

Балалык-тепе. (Настенная роспись V—VI вв.).

**Турк аскарлари қабрига қўйиладиган тош ҳайкалчалар. Бу ҳайкалчалар *коса ёки ойна ушлаб турган аскарни* тасвир этади. Ҳайкалчалар атрофига мазкур аскар ўлдирган душманнинг сонича тош терилади.**

Тюркские балбалы — каменные изваяния, ставившиеся на могилах тюркских воинов. Они изображают воина с чашей или зеркалом. Вокруг этих изваяний часто укладывались камни по числу убитых воином врагов.



Турк тош ҳайкалчалар. (VII—VIII асрлар).

Тюркские каменные стеллы. (VII—VIII вв.).

Панжакент суғдларнинг илк феодал шаҳридир, уни араблар хароб қилганлар. СССР Фанлар Академиясининг археологик экспедициялари кўп йиллар мобайнида қазиш ишлари олиб бордилар. Натижада муҳташам қўрғон ва саройлар, турар жойлар, ҳунармандчилик устахоналари, катта-кичик дўконлар, қаторлашган кўчалар очилди. Зодагонларнинг уйлари ва ибодатхоналарнинг деворларига ранг-баранг бўёқлар билан расмлар солинган, ўймакор ёғоч ҳайкалчалар ишланган. Булар зодагонларнинг турмуши, кураши, зиёфат-базмларини тасвирлайди. Булар ажойиб санъат ёдгорликлари бўлиши билан бирга суғдларнинг қиёфаси, кийим-кечаги, қурол-яроғлари ҳақида тасаввур беради.

Пянджикент — раннефеодальный город Согда, разрушенный арабами. Многолетними работами археологических экспедиций Академии наук СССР здесь раскопаны целые улицы с замками и дворцами, жилыми домами, мастерскими ремесленников и торговыми лавками. Дома знати и храмы украшены прекрасной стенной росписью, резной деревянной скульптурой, изображавшей сцены жизни, борьбы, пиршеств. Являясь выдающимися памятниками искусства, они в то же время дают наглядное представление об облике, костюмах, вооружении согдийцев.



Панжакент. (Деворга ишланган «Чавандозлар» расмидан фрагмент).

Пянджикент. (Фрагмент стенной росписи «Всадники»).

Бухородан 40 километр ғарб томонда қадимий Варахша шаҳрининг харобалари бор. Бу шаҳарда VI—VII асрларда Бухоро воҳасининг ҳукмронлари яшаганлар. 1938—1953 йиллар мобайнида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг В. А. Шишкин бошчилигидаги экспедицияси шаҳарда археологик қазиш ишлари олиб борди. Қўрғон ичида ҳукмронларнинг муҳташам қасри топилди. Бу икки қаватли иншоотнинг чор атрофини айвонлар ва дабдабали заллар қуршаган ҳовлилари бўлган. Заллар ранг-баранг бўёқли расмлар ва ўймакор ганч нақшлар билан безатилган.

Ҳар хил манзаралар — қўчқор ови, шаталоқ отиб чопаётган архар, раққоса, мавж уриб турган сувдаги балиқлар, қушларнинг ёпирилиб учиши тасвирланган. Ток барги ва узум бошлари тасвирланган гирихнинг чизиқлари бирбирига чирмашиб кетган.

Қадимий ёзувларда «Бу саройнинг муҳташамлиги тилларда достон бўлиб кетди» деб бежиз айтилмаган.

В 40 км к западу от Бухары находятся руины древней Варахши—города, в котором в VI—VII вв. жили правители Бухарского оазиса. В 1938—1953 гг. экспедиция АН УзССР под руководством В. А. Шишкина проводила раскопки города. В цитадели был открыт монументальный дворец правителей. Это двухэтажное сооружение с внутренними двориками, окруженное айванами и большими парадными залами, украшенными чудесной живописью и резьбой по ганчу.

Изображены различные сцены — охота на барана, скачущий архар, танцовщица, графоны, плещущиеся в волнах рыбки, шествия птиц. Причудливо переплетаются линии геометрического орнамента, в которых вписаны листья и гроздья винограда.

Не случайно древние авторы говорят, «что красота дворца вошла в поговорку».



Варахша. Қўрғон. *В. А. Нильсен* реконструкцияси).

Варахша. Цитадель. (Реконструкция *В. А. Нильсена*).



Варахша. Ярадор қўй.

Варахша. Раненый баран.

VI асрнинг 80-йилларида ҳозирги Бухоро области территориясида турк камбағаллари турк хоқонига ва маҳаллий феодалларга қарши қўзғолон кўтардилар. Қўзғолонга турк шаҳзодаси Абрўй бошчилик қилди. Бойлар, жумладан катта мулкдор деҳқон «Бухор-худот» шимолга қочиб, улуғ хоқон Корачуриндан мадад сўрадилар. 585 йилда қўзғолон шафқатсизлик билан бостирилди, Абрўй қатл қилинди, қўзғолончи камбағаллар қайтиб келган бойларга қул қилиб берилди.

В 80-е годы VI в. на территории современной Бухарской области вспыхнуло восстание тюркской бедноты, направленное против тюркского каганата и местных феодалов. Возглавил его тюркский царевич Абруй. Богачи, в том числе и главный дехкан «бухар-худат», бежали на север и обратились за помощью к великому кагану Кара-Чурину. В 585 г. восстание было жестоко подавлено. Абруй казнен, а восставшие бедняки отданы в рабство возвратившимся богачам.



Абрўй қўзғолони. (*В. И. Кайдалов* чизган расм).

Восстание Абруя. (Картина худ. *В. И. Кайдалова*).

1200 йил илгари хатти куфийда ёзилган бу китоб қуръон бўлиб VIII асрга оид ноёб ёдгорликдир.

Қуръон 353 варақдан иборат, эни 68 см, бўйи 53 см, ёзув 50×40 см ўрин эгаллайди. Ҳар бетда 12 сатр.

Қуръон Самарқанддаги Хўжа Ахрор масжидида сақланган. Ўрта Осиё Россияга қўшиб олингандан кейин. Генерал Абрамов бу қадимий қўлёзмани 100 сўмга сотиб олиб, Туркистон генерал-губернатори К. П. Кауфманга совға қилди. 1869 йил 24 октябрда бу қуръон Петербург Император халқ кутубхонасига юборилди.

Совет ҳокимияти ўрнатилгач В. И. Лениннинг кўрсатмасига мувофиқ ноёб қўлёзма Ўрта Осиё халқига қайтарилди.

Книга, которой 1200 лет,— уникальный памятник арабской письменности, написанный куфическим письмом, относится к первой половине VIII в.

В Коране 353 листа, ширина книги — 68 см, высота — 53 см, текст занимает 50×40 см. На каждой странице по 12 строк.

Коран хранился в Самарканде в медресе Ходжа Ахрара. После присоединения Средней Азии к России древнейшую рукопись купил генерал Абрамов за 100 рублей и представил туркестанскому генерал-губернатору К. П. Кауфману. 24 октября 1869 г. Коран был отправлен в Петербург и оказался в Императорской публичной библиотеке.

После установления Советской власти по указанию В. И. Ленина уникальная рукопись была возвращена народам Средней Азии.



1200 йиллик китоб (араб халифаси *Усмон Қуръони).*

Книга, которой 1200 лет. *(Коран Османа).*

Ўрта Осиёнинг ҳунарманд усталари X—XIII аср бошларида ажойиб сопол ва шиша идишлар ясаганлар. Қазиб олган рудадан металл идишлар ва безаклар қуйганлар. Бу даврда ҳунармандчилик жуда тараққий этган эди.

Искусные мастера Средней Азии в X— начале XIII в. обжигали прекрасные глиняные и стеклянные сосуды. Из добытой руды выплавляли металлические сосуды и украшения. В этот период ремесла достигли большого расцвета.



Керамика идиш-товоқлари (X—XII аср).

Керамическая посуда (X—XII вв.).

Феодализм тараққиёти давомида Ўрта Осиёда меъморчилик ва бинокорлик янада ривож топади. Бухородаги Исмоил Сомоний мақбараси (X аср), Минораи Калон (XII аср), Термиз шоҳлар саройи, Хоразм шоҳлар саройи (XIII аср бошларида) архитектуранинг ажойиб намуналаридандир. Ўймакор,мураккаб нафис геометрик ва ўсимлик нусха орнаментлар қилиш кенг тус олган.

В пору развитого феодализма наблюдается дальнейший расцвет архитектуры и строительства в Средней Азии. Прекрасными образцами архитектуры являются: мавзолей Саманидов (X в.), минарет Калян (XII в.) в Бухаре, дворец Термезшахов, дворец Хорезмшахов (начало XIII в.). Широко распространяется искусная глубокая резьба по жженому кирпичу со сложным геометрическим и растительным орнаментом, образующим тончайший узор.



Исмоил Сомоний макбараси

Мавзолей Исмаила Самани.



Жарқўрғон минораси

Джаркурганский минарет.



Минораи Калон.

Минарет Калян.

Абу Али ибн Сино (980 — 1037) Шарқда ном чиқарган улуғ энциклопедист олимдир. У фалсафа, астраномия, шеърият билан шуғулланган, хусусан медицина бобида жуда шуҳрат қозонган эди. Ибн Сино ҳар хил касалликларни ўрганиб, уларнинг пайдо бўлиши сабабларини аниқлади, жуда кўп дори-дармонлар ишлаб чиқди. Ибн Синонинг хирургия соҳасида хизматлари ҳам катта. Унинг «Тиб қонунлари» яқин вақтгача Европа ва Шарқ врачлари учун дастуруламал эди.

Абу Али ибн Сина (980—1037)—ученый-энциклопедист Востока, занимавшийся философией, астрономией, поэзией, но более всего прославившийся как выдающийся врач. Изучая болезни, он выявил причины их возникновения, разработал ряд лекарств. Велики заслуги Ибн Сины (Авиценны) и в области хирургии. Его знаменитый «Медицинский канон» до недавних лет был настольной книгой и европейских, и восточных врачей.



Абу Али ибн Сино
*(М. Набиев* чизган расм).

Абу Али ибн Сина (Авиценна).
(Картина худ. *М. Набиева).*

Абу Райҳон ал Беруний (937—1048) машҳур Хоразм энциклопедист олимидирки, унинг буюк даҳоси хилма-хил фанларни қамраб олганди. Беруний тарихчи ва файласуф, географ, минеролог ва астроном эди. У 150 дан ортиқ асар ёзган. Ҳиндистонга оид «Қадимий халқлар хронологияси», шунингдек катта аҳамиятга эга бўлган «Минералларнинг солиштирма оғирлигини аниқлаш йўллари»; *«Минералогия»* ва бошқалар шулар жумласидандир.

Абурайхан ал-Бируни (937—1048 гг.) — выдающийся хорезмский ученый-энциклопедист, гений которого охватил ряд наук. Бируни известен как историк и философ, географ, минералог и астроном. Им написано более 150 работ, среди которых большой труд об Индии, «Хронология древних народов», а также такие крупные работы, как «Правила нахождения удельных весов минералов», «Книга сводок для познания драгоценностей» и ряд других.



Абу Райҳон ал Беруний
*(М. Набиев* чизган расм).

Абурайхан ал-Бируни.
(Картина худ. *М. Набиева).*

Чингизхон 1220 йилда Бухорони босиб олгач, Самарқандга юриш қилди. Унга Чиғатой ва Уғодой ҳам қўшинлари билан келиб қўшилдилар. Самарқанд гарнизони 50 минг кишидан ортиқ эди. Улар тўрт кеча-кундуз шаҳарни ҳимоя қилиб, бешинчи куни таслим бўлдилар. Фақат 400 баҳодир қалъани мудофаа қилиб қаттиқ олишдилар, бирок ҳаммалари ҳалок бўлишди.

Мўғулларга қарши курашда Темур Малик бошчилигидаги Хўжанд жангчилари қаҳрамонона саҳифа қолдирдилар. Улар олдин шаҳарни мудофаа қилдилар, сўнгра Темур Малик мингта жангчиси билан Сирдарёдаги ороллардан бирига чекинди. Мўғулларнинг камон ўқи етмасди, улар дамба қурмоқчи бўлдилар. Лекин Темур Малик жангчилари дамбани бузавердилар. Темур Малик ўз одамларини қайиқларга ўтқазиб, кечаси Сирдарёнинг қуйи оқимига кетди. Ривоятларга қараганда мўғуллар дарёга тўғон-занжир тортганлар, аммо жасур Темур Малик тўсиқни бузиб, Хоразмга йўл олган.

Захватив Бухару, Чингиз-хан в 1220 г. подошел к Самарканду. К нему присоединились отряды Чагатая и Угэдэя. Самаркандский гарнизон насчитывал более 50 тыс. воинов. Они четыре дня защищали город, но на пятый день вынуждены были сдаться. Только четыреста воинов заперлись в цитадели и отчаянно сопротивлялись до тех пор, пока все не погибли.

Героическую страницу в борьбе с монголами вписали воины Ходженда во главе с Тимур-Меликом. Сначала они обороняли город, а потом Тимур-Мелик с тысячью воинами отступил на один из островов Сыр-Дарьи. Монголы пытались построить дамбу для потопления острова, но воины Тимур-Мелика мешали им. Затем Тимур-Мелик ночью со своими воинами на лодках ушел вниз по Сыр-Дарье. По преданию, монголы перегородили реку цепью, но цепь была прорвана, и он со своими воинами ушел в Хорезм.



Темур Малик бошчилигида Хўжанд мудофааси

Оборона Ходженда Тимур-Меликом.

Мўғуллар ва улар билан топишган маҳаллий феодаллар деҳқон ва ҳунармандларни талон-торож қилиб зулм ўтказдилар. Сайёҳ Плано Карпини бундай деб ёзади: «Мўғуллар ҳар бир ҳунармандга нонни жуда кам тортиб беришади, ҳафтада уч марта жуда оз миқдорда гўшт беришади. Меҳнаткашлар олдида ё ҳуқуқсизлик ва очликдан ўлиш ёки қўзғолон кўтариш масаласи турипти».

1238 йилда Бухорода қўзғолон кўтарилди. Унга Тороб қишлоқлик Маҳмуд бошчилик қилди. Феодаллар мўғул отрядларини ёрдамга чақирдилар, аммо қўзғолончилар уларни тор-мор қилишди. Маҳмуд Торобий ҳалок бўлди, қўзғолон эса бостирилди.

1365 йилда Илёсхўжа бошчилигида мўғул отрядлари Самарқандга юриш бошладилар. Самарқандда қўрғон девор йўқ эди. Ўлка ҳокими Амир Хусайн ва унда хизмат қилаётган Темур шаҳарни душманга ташлаб кетдилар. Шундан сўнг косиб Абубакир Калави бошчилигида меҳнаткаш халқ ҳамда Мавлонзода мадрасасининг талабалари Самарқандни мудофаа қилишга отландилар.

Қўзғолончилар фақат бир жойдан киришга йўл қолдириб, бошқа йўлларни тақа-тақ бекитдилар. Шу очиқ йўлдан шаҳарга кирган мўғуллар пистирмаларга дуч келдилар ва тор-мор қилиндилар.

Монголы и нашедшие с ними общий язык местные феодалы грабили и угнетали крестьян и ремесленников. Путешественник Плано Карпини писал: «Каждому ремесленнику монголы дают на день хлеба на вес, но очень немного, а также небольшую порцию мяса трижды в неделю. Перед трудящимися встал вопрос: погибнуть от бесправия и голода или восстать».

В 1238 г. в Бухаре вспыхнуло восстание, которое возглавил ремесленник Махмуд из пригородного селения Тараб. Феодалы призвали на помощь отряды монголов, но восставшие разгромили их. Вскоре Махмуд Тараби погиб, а восстание было подавлено.

В 1365 г. на Самарканд двинулись монгольские отряды во главе с Ильяс-ходжой. Самарканд не имел оборонительных стен. Управлявший краем эмир Хусейн и находившийся на службе у него Тимур оставили город врагу. Тогда на защиту Самарканда поднялся трудовой люд во главе с ремесленником Абубекром Келеви и учащимся самаркандского медресе Маулана-задэ.

Восставшие забаррикадировали все подходы к городу, кроме одного, а когда через него вошли монголы в город, то они оказались в западне и были разгромлены.



1365 йил, Самарқандда бўлиб ўтган сарбадорлар қўзғолони
*(В. Нечаев* чизган расм).

Восстание сарбадаров в Самарканде в 1365 г.
(Картина худ. *В. Нечаева).*

Ўрта Осиё жангчисининг асосий қуроли махсус лак билан бўялган камон ва ўқлар солинган ўқдон эди. Шу билан бирга жангчида найза, қилич, дубулға, узун енгил найза ва арқон бўларди. Ҳар қайси жангчининг чодири, 10 кунлик озиқ-овқат суви ва қўшимча отлари бўларди.

Основным оружием среднеазиатского воина был покрытый особым лаком лук с набором стрел. Кроме того, в снаряжение воина входили: копье, кривая сабля, кожаная с железными полосками каска, легкая длинная пика и веренка-аркан. Каждый воин имел палатку, запас воды и пищи на 10 дней и запасных лошадей.



Урта Осиё жангчиси.

Воин Средней Азии.

Темур даврида ва унинг авлодлари — темурийлар даврида мисли кўрилмаган даражада саройлар, масжид, мадрасалар қурилиши авж олиб кетди.

XIV—XV асрларда қурилган Шоҳизинда мақбараси, Гўри Амир, Ишратхона, Бибихоним масжиди, Улуғбек мадрасаси, осмон ўпар миноралар каби ажойиб ёдгорликлар бизнинг замонамизгача етиб келган. Бу муҳташам иморатларнинг фасадлари ранг-баранг сирли нақшлар билан безатилган. Эшик, дарвозалар ўймакорлик санъатининг юксак намунаси бўлиб, деворларига зарҳал нақшлар берилган. Ҳар бири санъатнинг ноёб намунаси бўлмиш бу ёдгорликларда XIV—XV асрларидаги халқ усталарининг даҳоси, бениҳоя гўзал ёдгорликлар бунёд этган меъморларнинг тенги йўқ маҳорати одамни ҳайратда қолдиради.

При Тимуре и его потомках Тимуридах осуществлялось невиданное по тем временам строительство дворцов, мечетей, медресе.

Время сохранило изумительные памятники XIV—XV вв.; мавзолеи Шахи-Зинда, Гур-Эмир, Ишрат-хана, мечеть Биби-Ханым, медресе Улугбека, стройные минареты. Фасады зданий покрыты роскошным убором яркой мозаики и майолики, в которые вплетаются строгие пояса резного мрамора. Великолепная резьба покрывает двери; стены украшены росписью с позолотой. В этих памятниках, каждый из которых дает новый образец в искусстве, воплотился гений народных мастеров XIV—XV вв., зодчих, создавших памятники незабываемой красоты.



Бибихоним масжиди. Самарқанд.
Самарканд. Мечеть Биби-Ханым.



Гўри Амир.
Самарканд. Мавзолей Гур-Эмир.

1429 йилда Самарқандга яқин Кўҳак тепалигида Улуғбекнинг кўрсатмасига биноан Шарқда энг катта обсерватория қурилди. Бу катта бинонинг ичкарисига осмон гумбази чизилган эди. Ундаги асосий қисми ярим ер остида қурилган астрономия асбоби — секстант эди.

Самарқанд олимлари осмон ёритгичлари ҳаракатини кузатиб «Зичи жадиди Кўрагоний» тузганларки, бу жадвал ўша вақтда маълум бўлган жадваллардан юксак даражада аниқлиги билан фарқ қилган. Шунинг учун XVII аср Европа символик гравюрасида Улуғбек астрономия ҳомийси — Урания тангри ёнидан фахрли жой олган.

Улуғбек фан ҳомийси эди, Бухоро мадрасасида ўйиб ёзилган унинг «Билим олишга интилиш — ҳар бир мусулмон ва муслима учун бурчдир» шиори руҳонийлар ва феодалларнинг ғазабини келтирган эди. Шунинг учун улар Улуғбекнинг ўғли Абдулатифга отасига қарши исён қўзғатишга ёрдам бердилар. 1449 йилда руҳонийларнинг иғвоси билан Улуғбек ўлдирилди.

В 1429 г. на холме Кухак под Самаркандом по указанию Улугбека была построена крупнейшая на Востоке обсерватория. Это обширное в плане здание, украшенное внутри изображением небесной сферы. Основным сооружением обсерватории был гигантский астрономический прибор — секстант, наполовину зарытый в землю.

Ученые Самарканда на основе наблюдений за светилами составили «Новые гурагонские астрономические таблицы», отличавшиеся от подобных таблиц высокой степенью точности. Не случайно, на символической европейской гравюре XVII в. Улугбек занимает почетное место рядом с покровительницей астрономии — богиней Уранией.

Покровительство Улугбека наукам, его девиз, высеченный на медресе в Бухаре,— «Стремление к знаниям — обязанность каждого мусульманина и мусульманки»— были ненавистны духовенству и феодалам. Поэтому они помогли сыну Улугбека Абдуллатифу поднять мятеж. В 1449 г. по наущению духовенства Улугбек был убит.



**Улуғбек расадхонасининг умумий кўриниши.**
**(*В. А. Нильсен* реконструкцияси).**

**Общий вид обсерватории Улугбека.**
**(Реконструкция *В. А. Нильсена*).**

1941 йилда Давлат комиссияси Темур, унинг ўғиллари ва невараларининг мозорларини очиб кўрди. Шу комиссиянинг аъзоларидан антрополог олим М. М. Герасимов уларнинг бош суяклари асосида қиёфаларини тиклади. Темур ва унинг машҳур невараси астроном Улуғбекнинг скульптура портретлари диққатга сазовордир.

В 1941 г. Государственной комиссией, участником которой был ученый-антрополог М. М. Герасимов, было произведено вскрытие погребений Тимура, его сыновей и внуков. По черепам М. М. Герасимов восстановил их облик. Особый интерес представляют скульптурные портреты Тимура и его знаменитого внука — астронома Улугбека.



**Темур** *(М. М. Герасимов* **реконструкцияси).**

Портрет Тимура. (Реконструкция *М. М. Герасимова).*



**Улуғбек**

Портрет Улугбека.



Улуғбек жаҳоннинг машҳур астрономлари орасида.
(XVII аср гравюраси)

Улугбек среди знаменитых астрономов мира. (Гравюра XVII в.).

Улуғ ўзбек шоири, ўзбек адабий тилига асос солган Алишер Навоий (1441—1501) нинг фаолияти Хуросоннинг XV аср иккинчи ярми маданий ҳаёти билан узвий боғлиқдир.

Унинг ажойиб лирик шеърлар тўплами «Чор девон», айниқса машҳур «Хамса»си ва бошқа асарлари умумжаҳон маданиятига қўшилган бебаҳо ҳиссадир.

Навоий асарларини ўша вақтнинг энг яхши рассомлари, жумладан «Шарқ миниатюрасининг пири» Беҳзод миниатюралар билан безаганлар.

Алишер Навои (1441—1501 гг.) — великий узбекский поэт и основоположник узбекского литературного языка, деятельность которого связана с культурной жизнью Хорасана второй половины XV в.

Его прекрасный сборник лирических стихов «Чор-девон» и, особенно, знаменитая «Пятерица» («Хамса») и многие другие являются неоценимым вкладом в развитие всемирной культуры.

Его произведения украшали лучшие миниатюристы, в том числе и К. Бехзад, которого называли «королем восточной миниатюры».



Алишер Навоий. (*А. Абдуллаев* чизган расм).

Алишер Навои. (Картина худ. *А. Абдуллаева*).

Машҳур ўзбек олими, шоири ва сайёҳи Заҳириддин Муҳаммад Бобир (1483—1530).

Унинг қаламидан камол топган «Бобирнома» қадимий ўзбек насрхонлигида шоҳ асар деб эътироф этилган.

Узбекский ученый, поэт, путешественник Захиреддин Мухаммед Бабур (1483—1530 гг.).

Его «Запискам» под названием «Бабурнаме» принадлежит одно из выдающихся мест среди памятников староузбекской прозы.



Заҳириддин Муҳаммад Бобир.

Захиреддин Мухаммед Бабур. (Миниатюра).

Туркистонда деҳқончилик маданияти паст даражада қолиб, асосий иш қуроллари омоч, мола, кетмон ва шу кабилар эди. Деҳқонларнинг кўпчилиги кам ерли ва мутлақо ерсизлар бўлиб, улар бойлардан ижарага ер олишга мажбур эдилар. Улар чорикор дейилар эди.

Ўлкада кўп шуғулланадиган ҳунарлардан бири тўқувчилик эди. Лекин тўқиш усули жуда примитив бўлиб, махсус малака талаб қиларди. Косиблар 16—18 соат зах дўконда ўтириб, атиги 4—6 газ бўз тўқиб, кунда бир неча тийин ҳақ олардилар.

Кулолчилик, чилангарлик, кўнчилик ҳам анча тараққий этган эди. Айрим районлар ўз маҳсулотлари билан: Бухоро матолари билан, Чуст пичоқ-ханжарлари билан, Ғиждувон идиш-товоқлари билан машҳур эди.

Культура земледелия в Туркестане продолжала оставаться на низком уровне. Орудия труда были примитивны — это омач (соха), мале (деревянная борона), кетмень и другие.

Основная масса дехкан была малоземельна, многие вообще не имели земли и вынуждены были арендовать ее у богачей. Эта система называлась чайрикерством-издольщиной.

Одним из самых распространенных видов ремесла считалось ткачество. Однако процесс изготовления ткани был весьма примитивным. Ручной труд требовал специальных навыков. Работая по 16—18 часов, ткач успевал изготовить 4—6 аршин грубой ткани «майа» или «буз» и зарабатывал лишь несколько копеек в день.

Широкое распространение имели также такие ремесла, как гончарство, обработка кож. Определенные районы славились своей продукцией: Бухара — тканями, Чуст — клинками, Гиждуван — сосудами и т. д.

# III

# ТУРКИСТОН ЧОР РОССИЯСИ СОСТАВИДА

○

# ТУРКЕСТАН В СОСТАВЕ ЦАРСКОЙ РОССИИ



«Уйғонган Шарқ» фотографиясидан лавҳа.

Зарисовка с фотографии «Пробуждающийся Восток».

Шафқатсиз эксплуатация қилинаётган халқ оммаси бениҳоя азоб-уқубат чекарди.

Бухорода сақланиб қолган зиндон бор. Амир истибдодига *бўйсунмаган кишилар зиндонга ташланарди.*

Положение народных масс Туркестанского края, подвергавшихся жестокой эксплуатации, было исключительно тяжелым.

Так, в Бухаре сохранилась подземная тюрьма — зиндан, в которую бросали всех, кто не подчинялся деспотической власти эмира.



Бухоро зиндони (*В. Верешчагин* чизган расм).

Зиндан в Бухаре. (Картина худ. *В. Верещагина*).

Туркистон халқлари ҳаётининг баъзи хусусиятлари ўрта ҳол деҳқон уйининг ички кўринишида кўрсатилган. Уй пойдеворсиз ва хом ғиштдан қурилар ва деворлари сомон сувоқ қилинарди. Уйнинг ички деворларида рўзғор буюмлари — идиш-товоқ учун токчалар бўларди.

Уй ўртасида сандал, чор атрофига кўрпачалар ёзиларди. Даҳлизда ўчоқ, ҳовлида тандир бўларди.

Некоторые черты быта народов Туркестана показаны в интерьере дома середняка. Дом возводился без фундамента из сырцового кирпича квадратной или прямоугольной формы. Стены покрывались глино-саманной штукатуркой. В стенах устроены ниши для домашней утвари.

Обогревание осуществлялось с помощью сандала. Это низенький столик, установленный над углублением в полу, куда насыпались горящие угли. Вдоль стен расстилались тюфячки (курпача), где сидели обитатели дома. Рядом с жилой комнатой находилась своеобразная кухня — здесь располагались две печки: тандыр для выпечки лепешек и маленькая — для приготовления обеда — очок.



Ўрта ҳол деҳқон уйи.

Интерьер дома середняка.



Ўрта Осиё Россияга қўшиб олинганидан сўнг ҳали кам маълум ўлканинг табиий бойликлари, тарихи, маданиятини ўрганиш учун яхшироқ шароит туғилди. Бу ерга Россиянинг жасур ва истеъдодли олимлари бошчилигида илмий экспедициялар юборилди. Уларнинг биринчи қаторида Ўрта Осиёнинг машҳур тадқиқотчилари Н. А. Северцев, А. П. Федченко, И. В. Мушкетов, В. В. Бартольд бўлганлар.

Илғор рус маданияти таъсирида маҳаллий демократ шоирлар Фурқат ва Муқимий ижоди ривож топади.

С присоединением Средней Азии к России открылись более благоприятные возможности для изучения природных богатств, истории и культуры малоизвестного до тех пор края. Сюда направляются научные экспедиции, возглавляемые смелыми и одаренными учеными России. В их первой шеренге стоят известные исследователи Средней Азии Н. А. Северцев, А. П. Федченко, И. В. Мушкетов, В. В. Бартольд.

Под влиянием передовой русской культуры развивается творчество местных поэтов-демократов Фурката и Мукими.



Василий Владимирович Бартольд.



Алексей Павлович Федченко.



Николай Алексеевич Северцев.



Зокиржон Фуркат.

Закирджан Фуркат.



Муҳаммад Аминхўжа Муқимий.

Мухаммед Аминходжа Мукими.

XIX аср охири XX аср бошларида Туркистон ўлкасига марксистик ғоялар таркала бошлайди. Бу ғояларни дастлаб тарғиб қилувчилар бу ўлкага сургун қилинган народоволецлар бўлиб, улар К. Маркс таълимотини ишчилар ва интеллигентларга етказдилар. 1902 йилдан бошлаб социал демократик адабиёт, жумладан Ленин «Искра»си кела бошлади. 1904 йилда социал демократлар Тошкентда биринчи яширин тўгарак туздилар.

Революцион ҳаракатда рус ишчилари билан бир қаторда ўзбек ишчилари М. Мирҳодиев, О. Бобожонов, ака-ука Қосимхўжаевлар фаол қатнашдилар. Мирҳодиевнинг уйи (собиқ Чимкент кўчаси) кўп вақт яширин йиғинлар жойи бўлди. 1904 йилда яширин босмахона ташкил этилиб, унда революцион варақалар ва мурожаатномалар босилиб турди.

Проникновение марксистских идей в Туркестанский край относится к концу XIX—нач. XX в. Первыми пропагандистами их явились сосланные сюда народовольцы, которые знакомили рабочих и интеллигенцию с учением К. Маркса. Начиная с 1902 г. появляется социал-демократическая литература, в частности ленинская газета «Искра». В 1904 г. социал-демократами создается в Ташкенте первый нелегальный кружок.

Вместе с русскими рабочими в революционном движении активное участие принимают рабочие-узбеки: М. Мирходиев, А. Бабаджанов, братья Касымходжаевы. Домик Мирходиева в Ташкенте (бывший Чимкентский тракт) долгое время был местом конспиративных встреч. В 1904 г. создается подпольная типография, в которой печатались революционные листовки и воззвания.



Тошкентдаги яширин босмахонанинг босиш станоги. 1905 й.

Печатный станок подпольной типографии в Ташкенте. 1905 г.

1905 йилги революцион ҳаракат солдатларни ҳам ўз тўлқинига тортди. 1905 йил 28 дан 29 ноябрга (15 дан 16 ноябрга) ўтар кечаси ҳарбий қалъада (Тупроқ қўрғонда) жойлашган Тошкент гарнизонида исён чиқди. Исённи Тошкент резерв батальони солдатлари кўтардилар. Исёнчилар бошлиқлар олдига бир қанча иқтисодий ва сиёсий талаблар қўйдилар. Исёнчилар гарнизоннинг бошқа қисмлари қўллаб-қувватласалар керак, деган умид билан эрталабгача қаттиқ турдилар. Аммо тўплардан ўққа тутилиш хавфи остида улар таслим бўлишга мажбур бўлдилар. Батальон қуролсизлантирилиб тарқатилди.

1905 йил 19 октябрда Воронцов ва Романов кўчалари бурчагидаги Тошкент шаҳар Думаси биноси (ҳозирги Сулаймонова ва Ленин кўчалари бурчагидаги бино) олдида тўпланган ишчилар, интеллигентлар ва ўқувчилар митинги Сирдарё области ҳарбий губернаторининг буйруғига биноан ўққа тутилди. Натижада 3 киши ўлдирилиб, 100 дан ортиқ киши ярадор қилинди ва қамчиланди. Ҳалок бўлганларни дафн этиш учун 20 октябрда ўтказилган мотам маросими чор режимига ва Туркистон ҳокимларининг полиция зулмига қарши катта намойишга айланди.

Революционное движение 1905 г. всколыхнуло и солдатские массы. В ночь с 28 на 29 (с 15 на 16) ноября 1905 г. вспыхнуло восстание Ташкентского гарнизона, размещенного в военной крепости. Оно было поднято солдатами 1-го Ташрезервного батальона. Восставшие предъявили начальству ряд экономических и политических требований. До утра восставшие держались стойко, надеясь на поддержку других частей гарнизона. Однако угроза артиллерийского обстрела вынудила их сдаться. Батальон был раскассирован.

19 октября 1905 г. по приказу военного губернатора Сырдарьинской области был расстрелян митинг рабочих, интеллигенции и учащихся, собравшихся у здания Ташкентской городской Думы на углу улиц Воронцовского и Романовского (ныне угол ул. Сулаймановой и Ленина). В результате 3 человека были убиты и более 100 человек ранено и разбито нагайками. Похороны жертв 20 октября вылились в грандиозную демонстрацию, направленную против царского режима и полицейского произвола туркестанских властей.




Тошкентда 1905 йил 16 июль намойиши.

Демонстрация в Ташкенте 16 июля 1905 г. (Акварель).

# IV

# ЎЗБЕКИСТОН ТАРИХИДА СОВЕТ ДАВРИ

○

# СОВЕТСКИЙ ПЕРИОД В ИСТОРИИ УЗБЕКИСТАНА




Ўзбекистон ССР Герби

Герб Узбекской ССР.

1885 йилда Обухов заводида қуйилган «СА 1672» 6 дюймли замбарак бебаҳо тарихий ёдгорликдир. Бу замбарак Тошкентда Октябрь куролли қўзғолони кўтарилганда ишчи отрядлари қўлида эди.

Ценная историческая реликвия — 6-дюймовая гаубица «СА 1672», отлитая на Обуховском заводе в 1885 г. Это орудие было на вооружении Ташкентского рабочего отряда во время Октябрьского вооруженного восстания в Ташкенте.



**1917 йил куролли қўзғолонида ишлатилган «CA 1672» замбарак.**

**Гаубичная мортира «CA 1672»— участница Октябрьского вооруженного восстания в Ташкенте в 1917 г.**

С. Қосимхўжаев (1874—1962) камбағал косиб оиласида туғилган. Унинг революцион фаолияти сургунга келган большевиклар билан танишишдан бошланди. У 1916 йил қўзғолонида фаол қатнашди. Октябрь қуролли қўзғолони бошланганда Қосимхўжаевнинг ташаббуси билан 250 кишидан иборат ўзбек дружинаси тузилди. Улар 30 октябрда ишчилар қалъасига кириб қўшилдилар. У қизил гвардиянинг актив ташкилотчиларидан эди.

С. Қосимхўжаев партия ва совет органларида бир қанча масъул лавозимларда ишлади. СССР Олий Совети Президиуми 1954 йил 20 сентябрда С. Қосимхўжаевни революцион ҳаракатга актив қатнашганлиги учун, туғилганига 80 йил тўлиши муносабати билан Ленин ордени билан мукофотлади.

С. Касымходжаев (1874—1962 гг.) происходил из бедной семьи ремесленника. Знакомство с ссыльными большевиками положило начало его революционной деятельности. Принимал активное участие в восстании 1916 г. В дни Октябрьского вооруженного восстания по инициативе С. Касымходжаева была создана узбекская дружина в количестве 250 человек, которые 30 октября прибыли в рабочую крепость. Принимал активное участие в организации Красной Гвардии.

С. Касымходжаев занимал ряд ответственных постов в партийно-советских органах. 20 сентября 1954 г. Президиум Верховного Совета СССР, отмечая активное участие С. Касымходжаева в революционном движении, в связи с 80-летием со дня рождения, наградил его орденом Ленина.



Султонхўжа Қосимхўжаев

Султанходжа Касымходжаев

М. Мирҳодиев (1875—1963) 1905 йил намойишлари ва митингларида актив қатнашди. Октябрь куролли қўзғолони вақтида Мирҳодиев эски шаҳарга чекинган юнкерлар, казаклар отрядини қуролсизлантирди. 1931 йилда М. Мирҳодиев фидокорона хизматлари учун Меҳнат Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди.

М. Мирходиев (1875—1963 гг.) принимал активное участие в митингах и демонстрациях 1905 г. Во время Октябрьского вооруженного восстания Мирходиев участвовал в разоружении отряда юнкеров, казаков, отступавших к «старому» городу. В 1931 г. за безупречную работу М. Мирходиев был награжден орденом Трудового Красного Знамени.



Мирзааҳмад Мирҳодиев.

Мирзаахмед Мирходиев.

О. Бобожонов (1860—1932) 1916 йил қўзғолонининг актив қатнашчисидир. 1917 йил мартда биринчилар қаторида у Коммунистик партия сафига кирди. Партия топшириғи билан О. Бобожонов ўзбек ишчиларини касаба союзга жалб этди. Октябрь куролли қўзғолони кунларида Бобожонов маҳаллий камбағал аҳоли ўртасида катта тушунтириш ишлари олиб борди. У эски шаҳар ишчилар отряди билан Тошкент ҳарбий қалъасини штурм қилишда актив қатнашди.

А. Бабаджанов (1860—1932 гг.) активный участник восстания 1916 г. В марте 1917 г. одним из первых вступил в ряды Коммунистической партии. По поручению партии А. Бабаджанов организует рабочих-узбеков в профсоюзы. В дни подготовки Октябрьского вооруженного восстания А. Бабаджанов проводил большую разъяснительную работу среди местной бедноты. Принимал активное участие вместе с отрядом старогородских рабочих в штурме Ташкентской военной крепости.



Очил Бобожонов.

Ачил Бабаджанов.

Босмачилик — контрреволюцион миллатчилик ҳаракатидир. Бу ҳаракат Ўрта Осиёда очиқ сиёсий бандитизм сифатида пайдо бўлиб, бунга бой ва руҳонийлар бошчилик қилдилар. Рассом. О. Татевосяннинг «Босмачиларнинг кишлоққа ҳужуми» номли расмида бу ҳаракатнинг халққа қарши экани ўз ифодасини топган.

Басмачество — контрреволюционное националистическое движение в Средней Азии, проявлялось в форме открытого политического бандитизма; возглавлялось баями и муллами. Его антинародная суть выражена в картине О. Татевосяна «Налет басмачей на кишлак».



Босмачиларнинг қишлоққа ҳужуми *(О. Татевосян* чизган расм).

Налет басмачей на кишлак. (Картина худ. *О. Татевосяна).*

1919 йил октябрда В. И. Ленин ташаббуси билан Бутун Россия Марказий Ижроия Комитети ва РСФСР Халқ Комиссарлари Советининг Туркистон ишлари бўйича комиссияси (Турккомиссия) тузилди.

Турккомиссия Туркистонда контрреволюцияга қарши курашда ва Совет ҳокимиятини мустаҳкамлашда Туркреспублика партия ва совет ташкилотларига ғоят катта сиёсий, ҳарбий, моддий ва маданий ёрдам кўрсатди.

В октябре 1919 г. по инициативе В. И. Ленина было принято постановление о создании Комиссии ВЦИК и СНК РСФСР по делам Туркестана (Турккомиссия).

Турккомиссия проделала большую работу по оказанию партийным и советским организациям Туркреспублики политической, военной, материальной и культурной помощи в борьбе против контрреволюции, за упрочение Советской власти в Туркестане.



Турккомиссия ишлаган бино.

Здание, где работала Турккомиссия.

1920 йил 7 сентябрда В. И. Лениннинг махсус декрети билан Тошкентда биринчи олий ўқув юрти — Туркистон давлат университети — ҳозирги В. И. Ленин номидаги Тошкент давлат университети очилди. Эндиликда бу республиканинг энг йирик олий ўқув юртларидан бири бўлиб, 10 мингдан ортиқ студент ўқимоқда.

Туркистон университетининг барпо этилиши Ўрта Осиёда олий таълимни ривожлантиришга, халқ маорифи ва маданиятни тараққий эттиришга мустаҳкам асос қурилди.

7 сентября 1920 г. в Ташкенте по специальному декрету В. И. Ленина открывается первое высшее учебное заведение — Туркестанский Государственный университет, ныне Ташкентский Государственный университет им. В. И. Ленина. Сегодня это один из крупнейших вузов республики, насчитывающий более 10 тыс. студентов.

Созданием Туркестанского университета было положено начало развитию высшего образования в Средней Азии и заложены прочные основы для широкого развития народного образования и культуры.



Совет Туркистони вакиллари В. И. Ленин ҳузурида. *(Нечаев* чизган расм).

Представители Советского Туркестана у В. И. Ленина.
(Картина худ. *В. Нечаева).*

1921—1925 йиллар совет жамияти тарихида энг масъулиятли давр бўлди. Бу давр Коммунистик партия ва совет халқининг вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш, табиий бойликлардан тўла фойдаланиш, совет мамлакатини социализм қурилиши йўлига олиб кириш учун кураш даври бўлди.

1924 йилга келиб мамлакат саноат корхоналарининг қарийб ярми ишга туширилди, янги катта завод ва фабрикалар қурила бошланди.

Ўзбекистонда ўша вақтда дастлабки йирик корхоналардан Хилково цемент заводи қурилган эди.

Период с 1921 по 1925 год был одним из ответственных в истории советского общества. Это был период напряженной борьбы Коммунистической партии и советского народа за восстановление народного хозяйства, за полное использование природных богатств, за продвижение Советской страны по пути к социализму.

К 1924 г. было восстановлено около половины промышленных предприятий, в стране началось строительство новых, крупных заводов и фабрик.

В Узбекистане в этот период строится одно из первых крупных предприятий — Хилковский цементный завод.



Хилково цемент заводи.

Хилковский цементный завод.

Ёш миллий республикаларга раҳбарлик ва ёрдам қилиш учун РКП(б) Марказий Комитети Коммунистик партия ва Совет давлатининг атоқли арбоби М. И. Калининни Ўрта Осиёга юборди. М. И. Калинин Ўзбекистон ССР Советлари I Таъсис съездига, Ўзбекистон Коммунистик партияси I съездига қатнашди. М. И. Калинин Ўзбекистон ССР Советлари I съездида сўзга чиқиб, ёш Советлар республикаси олдида турган вазифаларни, айниқса совет давлат аппаратини янада мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифалар тўғрисида гапириб берди. М. И. Калинин кўпгина шаҳар ва районларда, жумладан Самарқанд, Бухоро, Ашхобод ва Фарғонада бўлди.

Для руководства и оказания помощи молодым национальным республикам ЦК РКП(б) направил в Среднюю Азию выдающегося деятеля Коммунистической партии и Советского государства М. И. Калинина. Он приехал в Ташкент 2 февраля 1925 г. М. И. Калинин принял участие в работах 1-го Учредительного съезда Советов Узбекской ССР, I съезда Компартии Узбекистана. Выступая с речью на I съезде Советов УзССР, М. И. Калинин указал на задачи, стоявшие перед молодой Советской республикой, особенно в области дальнейшего укрепления советского государственного аппарата. М. И. Калинин побывал во многих городах и районах, в частности, в Самарканде, Бухаре, Ашхабаде, Фергане.



Михаил Иванович Калинин.



Валериан Владимирович Куйбишев.

Валериан Владимирович Куйбышев



Ўзбекистон ССРнинг биринчи Президенти
Йўлдош Охунбобоев.

Первый Президент Узбекской ССР
Юлдаш Ахунбабаев.



Ўзбекистон К(б)П МК нинг секретари Акмал Икромов.

Акмаль Икрамов — Секретарь ЦК КП(б) Узбекистана.



Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советининг Раиси
Файзулла Хўжаев

Файзулла Ходжаев — Председатель Совета Народных
Комиссаров Узбекской ССР.

Ўзбекистон меҳнаткашлари Коммунистик партия раҳбарлигида, рус ишчилар синфининг қардошларча ёрдами туфайли 1928 йилгача саноатни қайта тиклабгина қолмай, балки уни анча реконструкция қилдилар.

Ана шу йилларда ГОЭЛРО планига мувофиқ Бўзсув гидроэлектростанцияси қурилиши қизғин тус олган эди.

К 1928 г. трудящиеся массы Узбекистана под руководством Коммунистической партии, опираясь на братскую помощь русского рабочего класса, не только восстановили промышленность, но в значительной степени реконструировали ее.

В эти годы развернулось и строительство Бозсуйской ГЭС, согласно плану ГОЭЛРО.



Биринчи Ильич лампочкалари. 1929 й.

Первые лампочки Ильича. 1929 г.

1924 йилда драма театрининг бир группа артистлари: М. Уйғур, А. Ҳидоятов, С. Эшонтўраева ва бошқалар Москвага юборилди. Улар Е. Вахтангов раҳбарлигида ўқидилар. Ўзбек драма театри саҳнасида Н. В. Гоголнинг «Ревизор» Д. Фурмановнинг «Исён», В. Ивановнинг «14—69 бронепоезд», Шекспирнинг «Гамлет» ва «Отелло» асарлари ўйналганлиги уларнинг санъат соҳасидаги маҳоратлари нақадар ўсганлигидан далолат беради.

Москвада 1937 йил 21 майдан 30 майгача ўтказилган ўзбек адабиёти ва санъати декадаси республикада қисқа муддат ичида маданият соҳасида катта муваффақиятларга эришилганлигини кўрсатди. Ҳамза номидаги ўзбек Давлат академик драма театри Ленин ордени билан, Ўзбекистон Давлат филармонияси ҳамда Муқимий номидаги Ўзбек музикали драма ва комедия театри Меҳнат Қизил Байроқ орденлари билан мукофотландилар. Ўзбекистон мисолида мустамлака зулмидан озод бўлган мамлакатда маданият нақадар тез тараққий этиши Шарқ халқларига намойиш қилинди.

В 1924 г. группа артистов драматического театра М. Уйгур, А. Хидоятов, С. Ишантураева и другие были направлены в Москву, где они учились под руководством Е. Вахтангова. Свидетельством зрелости их мастерства явились поставленные на сцене узбекского драматического театра «Ревизор» Н. В. Гоголя, «Мятеж» Д. Фурманова, «Бронепоезд 14—69» В. Иванова, трагедии Шекспира «Гамлет» и «Отелло».

Первая декада узбекской литературы и искусства, проходившая в Москве с 21 по 30 мая 1937 года, показала, что в республике в короткий срок достигнуты огромные успехи в области культуры. Орденом Ленина был награжден Государственный узбекский Академический театр драмы им. Хамзы, орденами Трудового Красного Знамени награждены Узгосфилармония и Узбекский театр музыкальной драмы и комедии им. Мукими. Пример Узбекистана показал народам Востока, как можно высоко поднять культуру в стране, освобожденной от колониального ига.

Москвада ўтказилган биринчи ўзбек адабиёти ва санъати декадасида қатнашган артистларни кутиб олиш

Встреча артистов, участников первой декады узбекской литературы и искусства в Москве.





Артист Қори Ёқубов, Тамарахоним, Уста Олим Комилов, Тўхтасин Жалилов Лондонда гастрольда. 1935 йил.

Артисты Кары-Якубов, Тамара Ханум, Алим Камилов, Тухтасин Джалилов на гастролях в Лондоне. 1935 г.

Дастлабки беш йилликлар мобайнида ўзбек халқи саноатни ривожлантиришда катта муваффақиятларга эришди. Ўзбекистон саноатининг структураси тубдан ўзгарди: саноатнинг қишлоқ хўжалик машинасозлиги, минерал ўғит ишлаб чиқариш, кон саноати, тўқимачилик саноати каби янги тармоқлари вужудга келди. Қувасой цемент охак комбинати, Тошкент тўқимачилик комбинати, Чирчиқ химия комбинати, «Ташсельмаш» заводлари қурилди. Бу заводнинг ишга туширилиши билан кўплаб қишлоқ хўжалик машиналари ишлаб чиқарила бошланди. Урушдан олдинги икки беш йилликда Ўзбекистонда 400 та янги корхона қурилиб, ишга туширилганди.

За годы первых пятилеток узбекский народ добился значительных успехов в развитии промышленности. Коренным образом изменилась структура промышленности Узбекистана — начали развиваться новые ее отрасли, как сельскохозяйственное машиностроение, производство минеральных удобрений, добыча полезных ископаемых, текстильная промышленность и др. Были построены Кувасайский цементно-известковый комбинат, Ташкентский текстильный комбинат, Чирчикский химкомбинат, завод «Ташсельмаш». Введение его в строй действующих предприятий обеспечило массовый выпуск сельскохозяйственных машин. Всего за две довоенные пятилетки в Узбекистане было построено 400 новых предприятий.



Биринчи беш йилликда Тошкентда қурилган
биринчи электр элеватор.

Первый в Ташкенте электроэлеватор, построенный в годы
первой пятилетки.

Саводсизликни битириш (СБ) мактаблари ўлкада чоризмдан мерос қолган оғир фалокатлардан бири — саводсизликни битиришга сабаб бўлди. Саводсизликнинг тугатилиши саноат, қишлоқ хўжалиги, фан соҳаси учун ўқимишли кадрлар етиштиришга имконият туғдирди.

Школы по ликвидации безграмотности (ликбезы) помогали уничтожить одно из самых тяжелых наследий колониальной политики царизма в крае — безграмотность. Они способствовали подготовке грамотных кадров для промышленности, сельского хозяйства, науки.



Биринчи алифбе автори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
О. Шарафутдинов. *(Рамазонов* чизган расм).

Автор первого букваря, Герой Социалистического Труда
А. Шарафутдинов. (Картина худ. *Рамазанова).*

Совет Иттифоки Қаҳрамони генерал-майор Собир Раҳимов (1902—1945) ғоят талантли ва жасур ҳарбий бошлиқ бўлиб, юксак ҳарбий унвонга сазовор бўлган биринчи ўзбек генерали эди. 1945 йил март ойида, генерал С. Раҳимов дивизияси Болтиқ бўйидаги катта порт шаҳри Гданьскка яқинлашди. Шиддатли жанглар вақтида у оғир ярадор бўлди. С. Раҳимов жанговар постда, Ватан озодлиги ва мустақиллиги йўлида жон берди. У жанговар хизматлари учун иккинчи даражали Суворов ордени, тўртта жанговар Қизил Байроқ ордени, Қизил Юлдуз ордени ва «Кавказ мудофааси учун» медали билан мукофотланган эди.

СССР Олий Совети Президиумининг раиси М. И. Калинин 1943 йил 17 апрелда С. Раҳимовга қуйидагича хат ёзади: «Олий Совет Президиумининг Сизни II даражали Суворов ордени билан мукофотлаш тўғрисида 1943 йил 8 февралдаги Фармонига биноан, мукофотни шахсан ўзим топшириш имкониятига эга бўлолмаганим учун ушбу хат билан жўнатдим.

Сизни муносиб равишда сазовор бўлган олий мукофот билан табриклайман, Сизнинг жанговар фаолиятингизда ва шахсий ҳаётингизда янги муваффақиятларга эришишингизга тилаклар билдираман».

Герой Советского Союза генерал-майор Сабир Рахимов (1902—1945 гг.) человек большого военного таланта и мужества, первый узбек, удостоенный высокого воинского звания генерала. В марте 1945 г. дивизия С. Рахимова подошла к крупному портовому городу на побережье Балтийского моря—Гданьску. Во время ожесточенного сражения он был смертельно ранен. С. Рахимов погиб на боевом посту, отдав жизнь за счастье и независимость Родины. За боевые заслуги он награжден орденом Суворова второй степени, четырьмя орденами Красного Знамени, орденом Красной Звезды, медалью «За оборону Кавказа».

Председатель Президиума Верховного Совета Союза ССР М. И. Калинин 17 апреля 1943 г. направил С. Рахимову письмо: «Не имея возможности лично вручить Вам орден Суворова II-й степени, которым Вы награждены Указом Президиума Верховного Совета от 8 февраля 1943 г., посылаю Вам его настоящим письмом.

Поздравляю Вас с заслуженной высокой наградой и шлю пожелания дальнейших успехов в Вашей боевой деятельности и личной жизни».



Совет Иттифоқи Қаҳрамони генерал-майор Собир Раҳимовга бағишланган бурчак

Уголок Героя Советского Союза генерал-майора С. Рахимова.

1941 йилда Тошкентдаги М. Горький номли фабрика коллективи, «Кизил Юлдуз» артели колхозчилари ташаббуси билан республикада Совет Армияси жангчиларига янги йил совғалари тўплаш ҳаракати қизиб кетди. 1941 йил декабрда Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси *Йўлдош Охунбобоев* бошчилигида биринчи Ўзбекистон делегацияси фронтга жўнаб кетди. Делегация аъзолари билан суҳбатда генерал Л. А. Говоров бундай деди: «Қабиҳ душман Москвага яқинлашиб, Москва хавф остида қолганда... бизлар ўз позицияларимизда мустаҳкам турдик. Биз бутун совет халқининг, шу жумладан ўзбек *халқининг доимий ёрдам ва қўллаб-қувватлашини сезиб* турдик. Қорли Москвадан қуёшли Ўзбекистонгача — минглларча километр. Аммо бу масофа бизни ажрата олмайди. Биз биламизки, сиз бизларга яқин ва азиздирсизлар, биз ҳам сизга яқин ва азиздирмиз».

В 1941 г. по инициативе коллектива Ташкентской фабрики им. М. Горького, колхозников артели «Кызыл Юлдуз» в республике развернулся сбор новогодних подарков для воинов Советской Армии. В декабре 1941 г. на фронт выехала первая делегация Узбекистана во главе с Председателем Президиума Верховного Совета УзССР Ю. Ахунбабаевым. В беседе с делегацией генерал Л. А. Говоров сказал: «В тяжелые дни, когда обнаглевший враг приближался к Москве, она была в серьезной опасности... мы твердо стояли на своих позициях. Мы чувствовали постоянную помощь и поддержку всего советского народа, в том числе и узбекского народа. От заснеженной Москвы до солнечного Узбекистана — тысячи километров. Но они нас не разделяют. Мы знаем, что все вы нам близки и дороги, так же как и мы вам».



Ўзбекистон делегацияси Ғарбий фронтда. Генерал-лейтенант Л. А. Говоров Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси Йўлдош Охунбобоев билан.

Узбекская делегация на Западном фронте. Генерал-лейтенант Л. А. Говоров и Председатель Президиума Верховного Совета УзССР Ю. Ахунбабаев.

Халқ Комиссарлари Советининг 1943 йил 24 сентябрдаги қарорига биноан, уруш вақтининг қийинчиликларига қарамай, Ўзбекистонда Фанлар академияси тузилди. Унга 23 илмий-тадқиқот институтлари кирди. Уруш вақтида Ўзбекистонга эвакуация қилинган Москва, Ленинград, Киев, Харьков олимлари республика олимларига катта ёрдам бердилар. Ўша йилларда Ўзбекистонда 43 олий ўқув юрти (студентлар сони 21 027 киши эди); 52 техникум (ўқувчилар сони 10 068 киши эди) ишлаган.

Невзирая на трудности военного времени, по постановлению Совета Народных Комиссаров от 24 сентября 1943 г. в Узбекистане была создана Академия Наук, куда вошли 23 научно-исследовательских института. Большую помощь научным кадрам республики оказали ученые Москвы, Ленинграда, Киева, Харькова, эвакуированные в годы войны в Узбекистан. В те годы в Узбекистане работало 43 высших учебных заведения (21 027 студентов), 52 техникума (10 068 учащихся).



# ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

# ОБ ОРГАНИЗАЦИИ АКАДЕМИИ НАУК УЗБЕКСКОЙ ССР

**ПОСТАНОВЛЕНИЕ СОВЕТА НАРОДНЫХ КОМИССАРОВ СССР**

Совет Народных Комиссаров Союза ССР постановляет:

1. Удовлетворить просьбу Совнаркома и ЦК КП(б) Узбекистана о реорганизации Узбекского филиала Академии наук СССР в г. Ташкенте в Академию наук Узбекской ССР.

Открытие Академии приурочить к 26-й годовщине Великой Октябрьской социалистической революции.

2. Поручить Совнаркому Узбекской ССР и Президиуму Академии наук СССР провести всю подготовительную работу по организации Академии наук Узбекской ССР.

Председатель Совета Народных Комиссаров Союза ССР *И. Сталин*

Управляющий делами Совета Народных Комиссаров Союза ССР *Я. Чадаев*

Москва, Кремль
7 сентября 1943 г.

**СССР ХАЛҚ КОМИССАРЛАРИ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ**

ССР Иттифоқи Халқ Комиссарлари Совети қарор қилади:

1. Ўзбекистон Халқ Комиссарлари Совети ва ЎзК(б)П Марказий Комитетининг СССР Фанлар академиясининг Тошкент шаҳридаги Ўзбекистон филиалини Ўзбекистон ССР Фанлар академиясига айлантириш тўғрисидаги илтимоси қондирилсин.

Академиянинг очилиши Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 26 йиллигига тўғри келтирилсин.

2. Ўзбекистон ССР Халқ Комиссарлари Советига ва СССР Фанлар академияси Президиумига Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини ташкил қилиш юзасидан бутун тайёргарлик ишларини ўтказиш топширилсин.

ССР Иттифоқи Халқ Комиссарлари Советининг раиси *И. Сталин*

СССР Халқ Комиссарлари Советининг ишлар мудири *Я. Чадаев*

Москва, Кремль
1943 йил 7 сентябрь

СССР Халқ Комиссарлари Советининг Ўзбекистон ССР Фанлар академиясини ташкил этиш ҳақидаги қарори.

Постановление СНК СССР об образовании Академии наук УзССР. (Фотокопия).

Ўзбекистонда газ конлари асосан Бухоро — Хива, Фарғона ва Сурхондарё районларида жойлашган. Энг катта Бухоро — Хива газ конлари Жарқоқ, Қоракўл бозор, Саритош, Газли, Жанубий Муборакдадир. Газли кони Совет Иттифоқида энг йирик конлардандир.

Месторождения газа в Узбекистане сосредоточены в основном в трех районах — Бухаро-Хивинском, Ферганском и Сурхандарьинском. Самое богатое Бухаро-Хивинское, состоит из месторождений Джаркак, Караул-Базар, Сары-Таш, Газли, Южный Мубарек и др. Газлинское месторождение является одним из крупных в Советском Союзе.



Газопровод утказиш

Прокладка газопровода.

Ўзбекистонда кишлоқ хўжалигининг ривожланиши негизларидан бири комплекс механизациялаштиришдир. Республика колхозлари тобора кўпроқ янги техника билан қуроллантирилмоқда. Масалан, Сирдарё областида янги тузилган «Ленинград» колхозининг бир ўзидагина 60 та пахта териш комбайнлари ишлайди, қўриқ ерларда тузилган колхозларда эса 600 дан ортиқ зангори кемалар ишлайди.

1963 йил 16 февралда космонавт-учувчи П. Р. Попович Тошкентга келди. У Ўзбекистонда бўлган вақтида Тошкент тўқимачилик комбинатини, Мирзачўлда Герман Титов номли 6-совхозни бориб кўрди.

В. И. Ленин номидаги республика пионерлар саройида П. Р. Попович рақс тўгарагининг концертида ҳозир бўлди.

Одной из основ развития сельского хозяйства Узбекистана является комплексная механизация. Колхозы республики оснащаются новейшей техникой. Так, только в одном колхозе «Ленинград» во вновь созданной Сырдарьинской области работает около 60 хлопкоуборочных комбайнов, а в новых целинных колхозах их более 600.

16 февраля 1963 г. в Ташкент приехал летчик-космонавт Герой Советского Союза П. Р. Попович. Во время пребывания в Узбекистане он посетил Ташкентский текстильный комбинат, Голодностепский совхоз № 6 имени Германа Титова.

В республиканском Дворце пионеров им. В. И. Ленина космонавт П. Р. Попович присутствовал на концерте танцевального кружка.



Космонавт П. Попович Тошкент тўқимачилик комбинатида.

Космонавт П. Попович на Ташкентском текстильном комбинате.



ХВС-1,2 пахта териш машинасининг ҳаракатланувчи модели.

Действующая модель хлопкоуборочной Машины ХВС-1,2.

Урушдан кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда асосан пахтачиликни янада юксалтириш кўзда тутилган эди. Узбекистон Коммунистик партияси қарорига биноан Мирзачўлни ўзлаштириш ишлари бошланиб, янги пахтакор район вужудга келтирилди. 1963 йилда Сирдарё области тузилди, 1960—1965 йиллар мобайнида бу ерда 37,4 минг гектар қўриқ ва бўз ерлар ўзлаштирилиб, экин майдонига айлантирилди. Янги беш йилликда 50 минг гектар янги ерларни ўзлаштириш мўлжалланади.

«Таштекстильмаш» заводи коллективи «ПК-100» маркали йигириш машинаси билан ҳақли равишда фахрланади. Бу машина тўрт хил операцияни бажаради. Шу маркадаги машина 1965 йилда Брнода ўтказилган виставкада диплом ва Олтин медаль билан мукофотланди.

СССР Олий Совети Президиумининг 1966 йил 26 июндаги Фармонига биноан Ю. А. Гагарин номидаги «Таштекстильмаш» заводи Ленин ордени билан мукофотланган.

Развитие сельскохозяйственного производства в послевоенные годы предусматривало в основном дальнейший подъем хлопководства. По решению Компартии Узбекистана началось освоение Голодной степи, создается новый район хлопководства. В 1963 г. была образована Сырдарьинская область. С 1960 по 1965 год здесь освоено и введено в сельскохозяйственный оборот 37,4 тыс. гектара целинных и залежных земель, а в новой пятилетке предполагается освоить 50 тыс. гектаров.

Гордостью коллектива завода «Таштекстильмаш» является прядильная машина «ПК-100». Она объединяет четыре прядильных операции. Машина этой марки была награждена дипломом и Золотой медалью на выставке в Брно в 1965 г.

Указом Президиума Верховного Совета СССР от 26 июня 1966 г. завод «Таштекстильмаш» им. Ю. А. Гагарина награжден орденом Ленина.



Узбекистон ЛКСМ Янгиер комитети вақтинча жойлашган палатка.

Макет палатки, где временно размещался Янгиерский РК ЛКСМ Узбекистана.



Олтин медаль билан мукофотланган «ПК-100» маркали ип йигириш машинаси, 1965 йил. Брно виставкасида.

Прядильно-крутильная машина «ПК-100» на выставке в Брно в 1965 г., награжденная Золотой медалью.

Тошкент чинни заводи ўзининг хилма-хил маҳсулотлари билан шуҳрат топди. Миллий нақшлар солинган идиш-товоқларга, шунингдек юбилейларга ҳамда муҳим воқеаларга атаб ишланган совғаларга қизиқиш катта.

Совет халқининг фаровонлиги йилдан-йилга ошмоқда. Колхозчи-деҳқонларнинг фаровонлиги ҳам тобора ошиб, уларнинг турмуши ўзгариб бормоқда. Шаҳар билан қишлоқ ўртасида тафовут қолмаяпти. Бу уй ичи колхозчи оиласининг ҳозирги турмушини кўрсатишга бағишланган.

Ташкентский фарфоровый завод славится своей разнообразной продукцией. Большой интерес вызывают изделия, выполненные в национальном стиле, а также сувениры, выпускаемые к юбилейным и памятным датам.

С каждым годом благосостояние советского народа неуклонно повышается. Возрастает благосостояние и колхозного крестьянства, что приводит к изменениям в быту. Все больше стирается грань между городом и деревней. Показу современного быта колхозной семьи посвящен данный интерьер.



Тошкент чинни заводи маҳсулотларидан намуналар.
Образцы продукции Ташкентского фарфорового завода.



Колхозчи уйининг кўриниши.
Интерьер дома колхозника.

Ўзбекистоннинг чет эллар билан алоқаси йил сайин кенгаймоқда.

М. Т. Ойбек номидаги Ўзбекистон халқлари тарихи музейининг «Халқлар дўстлиги» залида жуда кўп мамлакатлардан юборилган совғалар намойиш қилинади.

Из года в год расширяются зарубежные связи Узбекистана.

В Музее истории народов Узбекистана имени М. Т. Айбека в зале «Дружба народов» выставлены подарки, сувениры многих стран мира.




Ю. А. Гагарин номидаги «Ташсельмаш» заводига КНДВ совға қилган вимпель.

Вымпел КНДР, подаренный заводу «Таштекстильмаш» им. Ю. А. Гагарина.



Хрусталь ваза — *Польша* халқ республикасининг совғаси.

Хрустальная ваза — дар ПНР.



Қўғирчоқ — Индонезия совғаси

Кукла — дар Индонезии.

На узбекском и русском языках

МУЗЕЙ ИСТОРИИ НАРОДОВ УЗБЕКИСТАНА
им. М. Т. АЙБЕКА

По залам музея

Редакторы: *А. Муракаева, Ю. Пулатов*
Художник *Н. Ковалупов*
Худ. редактор *М. Гумаров*
Техн. редактор *С. Кадыркаева*
Корректоры *Н. Хакимова, М. Вяткина*

Сдано в набор 24/III—1970 г. Подписано в печать 2/II—1971 г. Формат бумаги 60×84¹/₁₆. № 1. Физ. печ. л. 9,0. Усл. печ. л. 8,19. Уч.-изд. л. 8,19. Тираж 5000. Р 12453. Издательство «Узбекистан». Ташкент Навои, 30. Договор № 101—69.

Отпечатано в Ташполиграфкомбинате Госкомитета Совета Министров УзССР по печати, ул. Навои, 30. Зак. № 566. Цена 54 к.